

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

***ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ***

**АЛТИЕВ АБДУРАШИД СУЛТАНОВИЧ**

**ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти  
06.01.10 - Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари)

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Алтиев Абдурашид Султанович**

Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини  
такомиллаштириш .....

**Алтиев Абдурашид Султанович**

Совершенствование механизмов регулирования системы землепользования  
.....

**Altiyev Abdurashid Sultanovich**

Development of mechanisms of regulating the system of using land resources  
.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АЛТИЕВ АБДУРАШИД СУЛТАНОВИЧ**

**ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАРТИБГА  
СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти  
06.01.10 - Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги (иқтисодиёт фанлари)

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида B2018.4DSc/Iqt135 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www. ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Чариев Қурбон Амирович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:** **Назарова Фотима Хакимовна,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

**Караматов Озодбек Оринбоевич,**  
иқтисодиёт фанлари доктори (Туркия).

**Ҳасанов Шавкат Турсункулович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори.

**Етакчи ташкилот:** **Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ў.П.Умурзаков,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

**Б.Ф.Султанов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди.

**Н.С.Хушматов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ер фонди бугунги кунда 13,4 млрд. гектарни ташкил қилади, унинг атиги 1,5 млрд. гектари, яъни 11 % қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади<sup>1</sup>. Уларнинг миқдори ва сифати табиий ва антропоген омиллар ва жараёнлар таъсирида йилдан йилга камаймоқда. Демак, глобал озиқ-овқат муаммосини ечиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун чекланган ер ресурсларининг самарадорлигини ошириш келажакда экстенсив эмас, балки интенсив йўллари қўллаш, шунингдек ер мулкдорлари ва ижарачиларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан интенсив фойдаланишга инвестиция киритиш, ерлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, умуман ерларнинг ресурс сифатидаги функцияларини янада кучайтириш имкониятларини яратадиган тизимни шакллантириш бозор муносабатлари ва механизмлари билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Инсоният томонидан турмуш кечириш учун ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мақсадларида янги ерларни ўзлаштириш билан бирга ерлар мелиоратив ҳолатининг бузилиши, эрозия, қурғоқчилик, шўрланишнинг кучайиши ва ер ости сувларининг таъсири, саноат ва транспорт қурилишлари, фойдали қазилмаларнинг очик тарзда ўзлаштирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ерларининг оборотдан чиқарилиши глобал миқёсда жадаллашиб бормоқда. Шунинг учун дунё ер фондининг асосий муаммоси – қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни тартибга солиш бўлмоқда. Кўплаб мамлакатларда ер фондини сақлаб қолиш ва уларнинг таркибини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг ҳам БМТ, ЮНЕСКО, ФАО каби халқаро ташкилотлар ҳужжатларига имплементация бўлиши ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиши долзарб аҳамиятга эга.

Маълумки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик, уларни тармоқ ичида ва тармоқлараро тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг самарасизлиги, ерларни ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун иқтисодий ва технологик асосланмасдан ўтказилиши ва энг ачинарлиси, ерлар унумдорлигининг пасайиб кетиши ҳолатлари кузатилмоқда. Айниқса, "...ер майдонларини оптималлаштиришдаги камчиликлар, айрим фермер хўжаликлари етарлича айланма маблағлар, зарур техника ва бошқа моддий-техника ресурсларига эга эмасликлари қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига, шартнома мажбуриятлари бажарилишига ва фермер хўжаликларининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатмоқда".<sup>2</sup> Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида ер

<sup>1</sup> Центр экономических исследований Узбекистана, [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. [uza.uz](http://uza.uz), 2017 йил, 16 январь.

ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш ва унинг механизмларини такомиллаштириш нафақат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, балки маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, республикаимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалардан бирига айланмоқда. Зеро, қишлоқ хўжалигида энг муҳим ва асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланувчи ер ресурсларидан фойдаланиш тизими умум иқтисодий, шунингдек агросаноат тармоқлари яхлит тизимининг ажралмас ва узвий таркибий қисми бўлиб, у ўз навбатида соҳани инновацион ривожлантириш босқичлари талаблари ва тамойилларига мос келадиган механизмларни илмий-назарий асослашни ва уларни амалиётга самарали татбиқ этишни тақозо қилади. Шу боисдан ҳам ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларининг истиқболли янги таркибий элементларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар манфаатларига мос ҳолда яратиш ва татбиқ этиш зарурати ушбу илмий-тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги (1998 й.) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакиллантириш» устувор йўналишининг «ИТД-2. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» давлат илмий-техника дастурига мувофиқ амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи<sup>3</sup>.**  
Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини ривожлантириш ва унинг механизмлари билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Cambridge (Англия), International food policy research institute "IFPRI" land resource management for poverty reduction, land degradation (Вашингтон, АҚШ), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) (Ливан), Ghent University (Белгия), Wageningen University (Голландия), Department of Primary Industries, Parks, Water and Environment (Австралия, Тасмания) каби илмий марказлар ва университетларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ер ресурсларидан фойдаланишга доир жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар асосида анъанавий ерга эгалик қилишда ер ижараси, қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқ унумдорлигини баҳолаш ва оширишга сарфланган инвестиция самарадорлиги (Norwegian university of life sciences, Норвегия); ер солиғининг самарадорлик кўрсаткичлари (University of Florida, АҚШ); ер ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш (University of Melbourne, Австралия); зоналар бўйича ер солиғининг иқтисодий самарадорлиги (Georgia State University, АҚШ); чекланган ерларни комплекс иқтисодий баҳолаш (Szent Istvan University, Венгрия); ер ижараси бозорининг ерга эгалик қилиш тизимидаги самарадорлиги (World bank, Development research group, Rural Development, Вашингтон, АҚШ); аҳоли пунктларида ер участкасининг бозор қийматини аниқлаш (Казанский (Приволжский) федеральный университет, Россия) каби йўналишларда муҳим аҳамиятга эга илмий-назарий ва услубий-амалий натижалар олинган.

Бугунги кунда дунёда ердан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш ва бу борада механизмларни шакллантириш билан боғлиқ кўплаб йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан, ерларни қайта тақсимлашнинг кескинлашиши масалалари, ерлар иқтисодий унумдорлиги пасайишининг олдини олиш ва бунда инвестицияларнинг тақчиллиги, ерлар деградациясини бошқаришда табиий омиллар билан бирга иқтисодий

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи:

<https://www.landecon.cam.ac.uk/research/environmental-economy-policy-group/centres/rbu/research>;  
<http://www.ifpri.org/land-management>; . <https://www.icarda.org/integrated-water-and-land-management/teaser>;  
[https://www.ugent.be/bw/soilmanagement/en/research/soildegradationandsoilconservation/research\\_projects.htm/overview.htm](https://www.ugent.be/bw/soilmanagement/en/research/soildegradationandsoilconservation/research_projects.htm/overview.htm);<https://www.wur.nl/en/project/Digital-Soil-Mapping-of-land-degradation-risks-in-Africa.htm>;  
<http://dpiwwe.tas.gov.au/agriculture/land-management-and-soils/salinity/land-degradation-salinity-risk-project>;  
<http://www.umb.no/statisk/clts/PhD%20dissertations/Lunduka%20PhD%20Dissertation%20UMB.pdf>;  
[http://etd.fcla.edu/UF/UF0043818/MURPHY\\_R.pdf](http://etd.fcla.edu/UF/UF0043818/MURPHY_R.pdf);  
[file:///C:/Users/Autorun/Downloads/thesis\\_for\\_martin\\_mailosi.pdf](file:///C:/Users/Autorun/Downloads/thesis_for_martin_mailosi.pdf);  
<https://pdfs.semanticscholar.org/e20e/786c0178df76f05b61ca7cb526cb0fe40b15.pdf>;  
[https://scholarworks.gsu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1010&context=econ\\_diss](https://scholarworks.gsu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1010&context=econ_diss);  
[https://szie.hu/file/tti/archivum/Vinogradov\\_Szergej\\_thesis.pdf](https://szie.hu/file/tti/archivum/Vinogradov_Szergej_thesis.pdf);[https://books.google.co.uz/books?id=teDkE6HDR68C&pg=PA38&lpg=PA38&dq=dissertations+about+Land+rent+system+by+german+universities&source=bl&ots=43l95Zm3lh&sig=OaXVnNtZsBiYhw1CiltqD3I\\_\\_FI&hl=ru&sa=X&ved=0ahUKEwi9hLq\\_\\_tZAhWRKewKHV\\_jDksQ6AEIaTAJ#v=onepage&q=dissertations%20about%20Land%20rent%20system%20by%20german%20universities&f=false](https://books.google.co.uz/books?id=teDkE6HDR68C&pg=PA38&lpg=PA38&dq=dissertations+about+Land+rent+system+by+german+universities&source=bl&ots=43l95Zm3lh&sig=OaXVnNtZsBiYhw1CiltqD3I__FI&hl=ru&sa=X&ved=0ahUKEwi9hLq__tZAhWRKewKHV_jDksQ6AEIaTAJ#v=onepage&q=dissertations%20about%20Land%20rent%20system%20by%20german%20universities&f=false);<http://kpfu.ru/portal/docs/F816022060/Galimova.L.I..Opredelenie.rynochnoj.stoimosti.zemelnyh.uchastkov.v.sostave.zemel.naselenyh.punktov.pdf>;

омилларнинг таъсирини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги ерларининг оборотдан чиқиб кетишининг олдини олиш шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон амалиётида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгилашнинг муҳим омили ва воситаси, мулкчиликнинг ўзига хос компоненти, солиқ солиш, ижара ва бошқа молиявий муносабатларнинг объекти сифатида ер ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш борасида анча тажрибалар тўпланган.

Иқтисодий адабиётларда ер бозорининг вужудга келиш методологияси, шаклланиши ва амал қилиши муаммоларига, шунингдек уни тартибга солиш механизм ва услубларини тадқиқ этишга катта эътибор берилган. Ер муносабатлари, айниқса ер бозори муносабатлари муаммоларининг кўпроқ ишланганлиги Ф.Кэне, У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршалл, Дж.С.Милль<sup>4</sup> каби классик сиёсий иқтисод намояндалари асарларида кузатилади.

Ердан фойдаланиш тизими илмий адабиётларда деярли кўриб чиқилмаган бўлса ҳам ер мулкчилиги ва унинг амал қилиши билан боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни ислоҳ қилиш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар МДХ мамлакатларининг кўплаб олимлари (И.Астахова, Н.Веденин, Н.Комов, Б.Рабинович, А.Сагайдак, А.Токарев, В.Тяпкин, Ф.Пальчиков, В.Шаманаев, Л.Я.Новаковский, С.Удачин, С.Черемушкин, Л.Селиванова, С.Волков, А.Варламов, Д.Гнаткович<sup>5</sup> ва бошқалар) томонидан ҳам амалга оширилган.

---

<sup>4</sup> У.Петти. Трактат о налогах и сборах. Шедевры мировой экономической мысли. – Петрокоммерц, 1993. – с.33; А.Смит. Исследования о природе и причинах богатства народа. Шедевры мировой экономической мысли. – Петрокоммерц, 1993. – с.56; Д.Рикардо. Начала политической экономии и налогового обложения. Шедевры мировой экономической мысли. – Петрокоммерц, 1993. – с.112; К.Маркс. Капитал. Критика политической экономии. К.Маркс, Ф.Энгельс. т.3, ч.2, – М.:Издательство политической литературы. – 1962. – с.183; А.Маршалл. Принципы политической экономии. т.1. М.: Прогресс, 1983. – с.243; Дж.С.Милль. Основы политической экономии. т.2. М.: Прогресс, 1980. – с.150.

<sup>5</sup> И.Астахова. Управление региональными земельными ресурсами на основе принципов устойчивого землепользования. дис...к.э.н., Майкоп, 2011. – с.163; Веденин Н. Аграрное право. – М.: Юристпруденция, 2000. – 368 с.; Комов Н. Управление земельными ресурсами России: Справочное пособие. – М.: РУССЛИТ, 1995. – 300 с.; Рабинович Б. Экономическая оценка земельных ресурсов и эффективности инвестиций. – М.: Филинь, 1997. – 224 с.; Сагайдак А. Земельная собственность и рента (Рыночная экономика для всех). – М.: Агропромиздат, 1991. – 80 с.; Токарев А. Земельная рента и развитие капитализма в сельском хозяйстве. – М.: Мысль, 1967. – 56 с.; Тяпкин В. Качество земли и эффективность сельскохозяйственного производства. – М.: Колос, 1980. – 256 с.; Юткина Т. Налоги и налогообложение. – М.: Инфра-М, 1999. – 429 с.; Пальчиков Ф.И. Теоретические основы земельных отношений и землеустройства. – Харьков, 1981. – 38 с.; Шаманаев В.С. Эффективное использование земли в условиях индустриализации сельского хозяйства. – М.: Колос, 1979. – 208 с.; Селиванова, Л.А. Методические аспекты эколого-экономической оценки земельных ресурсов сельскохозяйственного назначения / Л.А. Селиванова // Вестник Российской академии естественных наук (Санкт-Петербург). – 2006. – № 11; Л.Я.Новаковский. Экономические проблемы использования и охраны земельных ресурсов // К.: Виша. 1985. – 208 с.; С.А.Удачин. Научные основы землеустройства // М.: Колос, 1965. – 272 с.; С.Д.Черемушкин. Теория и практика экономической оценки земли // М.: Изд-во соц.-экон. лит., 1963. – 280 с.; С.Н.Волков. Экономика землеустройства. Москва, Колос, 2006. – 370 с.; А.А.Варламов. Управление земельными ресурсами. – М., ГУЗ, 2005. – 240 с.; Д.И.Гнаткович. Земельный кадастр: экономика землепользования // Львов: Вища школа, 1986. – 136 с.

Ер ресурсларидан фойдаланиш тизими билан боғлиқ ерларни баҳолаш, ҳисобга олиш, уларнинг ҳуқуқий ва ташкилий шакллари белгилаш, рўйхатга олиш, ер тузиш, ерлардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги каби масалалари МДХ мамлакатларининг бир қатор олимлари (Е.Мещанинова, Д.Новиков, И.Дегтярев, М.А.Гендельман, К.Папенев, И.В. Попович, К.Тихонова, В.Герасимович, А.А.Голуб<sup>6</sup> ва бошқалар) томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон шароитида ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг<sup>7</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг<sup>8</sup> асарларида, шунингдек ушбу йўналишларда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борган А.М.Содиқов, Ф.Қ.Қаюмов, Р.Ҳ.Хусанов, Ў.П.Умурзаков, Г.К.Саидова, М.С. Абдуллаева, А.А.Абдуғаниев, Ш.Т.Эргашева, М.В.Ким, А.Латипов, К.Убайдуллаев, А.С.Чертовицкий, Қ.А.Чориев, С.Авезбаев, Н.С.Хушматов, Т.Х.Фармонов, О.Муртазаев, Э.Ф.Трушин, А.К.Базаров, Қ.Р.Рахмонов, А.Р.Бабажонов<sup>9</sup> ва бошқа аграр иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида алоҳида ўрин тутди.

---

<sup>6</sup> Е.Г.Мещанинова. Формирование экономического механизма устойчивого землепользования. Журнал Землеустройство, кадастр и мониторинг земель, 2012. №3. – с.23-29; Д.В.Новиков. Совершенствование экономического механизма организации рационального использования и охраны земельных ресурсов. Журнал Землеустройство, кадастр и мониторинг земель, 2012. №12. – с.14-19; Дегтярев И. Земельный кадастр. – М.: Колос, 1979. – 463 с.; М.А.Гендельман. Рациональное использование земельных ресурсов в связи с развитием специализации и концентрации сельскохозяйственного производства // М.: 1978, Т.1. – с. 112-123; К.В.Папенев. Экономика природопользования. – Э40М, ТЕИС, ТК Велби, 2008. – 928 с.; И.В.Попович. Методика экономических исследований в сельском хозяйстве // М.: Экономика, 1982. – 217 с.; К.В.Тихонова. Эколого-экономические аспекты формирования сельскохозяйственного землепользования. дис ... канд.экон.наук. – Ростов-на-Дону, 2010. – 142 с.; В.Н.Герасимович, А.А.Голуб. Методология экономической оценки природных ресурсов. – М.:Наука, 1988. – 141 с.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 128 б.; Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.; Каримов И.А. О приоритетах экономической политики Узбекистана //Т.:Узбекистан, 1993. – 55 б.

<sup>8</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва форовон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

<sup>9</sup> Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 73 б.; Қаюмов Ф., Ким В. Экономический механизм улучшения использования земельно-водных ресурсов. – Т.: Мехнат 1989. – 48 б.; Умурзаков Ў.П. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. Тошкент, Sano-standart, 2014. – 480 б.; Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития. Материалы 5-Форума экономистов. Под общей ред.Садыкова А.М. Т., 2013. – 512 с.; Базаров А.К. Экономические и методологические основы системного землепользования Узбекистана в рыночных условиях. дис ... д.э.н., Ташкент, 2009. – 325 с.; Саидова Г. Ерга рента тўловининг табиати ва роли ҳақида Ж. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Т.: 2003. №10; Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликлари ривожлантириш истиқболлари. – Т. Янги авлод, 2004. – 143 б.; О.Муртазаев, Ф.Б.Ахроров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Т. ИLM ZIYO, 2017. – 416 б.; Абдуғаниев А. Повышение экономической эффективности использования орошаемых земель в Узбекистане – Т.: Фан, – 118 б.; Чертовицкий А., Базаров А. Система землепользования Узбекистана. – Т. Фан. 2007. – 415 с.; Трушин Э.Ф. Реформирование земельно-водных отношений как условия экономического роста (на примере Республики Узбекистан): автореф дис. ... док.экон.наук. – Т.: 1996. – 45 с.; Абдуллаева М.С. Углубление экономических реформ и совершенствование системы управления в АПК Республики Узбекистан. дис. ... канд. экон. наук. – Т. 1997. – 157 с.; Эргашева Ш.Т. Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш жараёнларини моделлаштириш: дис. ... иқт. фан. номз. –Т., 2004. – 154 б.; Ким М.В. Эффективность реконструкции орошаемых земель и пути ее развития: дис. ... канд. экон. наук. – Т., 2001. – 148 с.; Латипов А. Ердан фойдаланиш ва солиқ солиш.Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёти уйи. – 2005 й.; Убайдуллаев К. Оролбўйи экологик шароитида ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни моделлаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари: дис. ... док.экон.наук. – Т., 2005. – 315 б.; Чариев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку – Т., Фан. 1992. – 256 б.; Авезбаев С. Ер тузиш иқтисоди. – Т. Янги аср авлоди, 2002. – 286 б.; Хушматов Н.С.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган. Шунингдек, диссертант миллий илмий консультант сифатида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси хизмати хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг БМТ Тараққиёт дастури билан 2008/04-сонли тематик режаси доирасида бажарилган “Повышение эффективности использования сельскохозяйственных земель в Республике Узбекистан” халқаро илмий лойиҳасидаги тадқиқот натижалари диссертациянинг таркибий қисмига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва услубий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва услубий асосларини, шунингдек ер рентасидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишларини тадқиқ этиш;

ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибаларни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қўллаш имкониятлари ва йўналишлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ер ресурсларидан фойдаланиш тизимидаги асосий тенденция ва муаммоларни таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали қишлоқ хўжалиги экин майдонлари самарадорлигини оширишни рағбатлантириш бўйича илмий асосланган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ер-аграр тизимини ислоҳ этишнинг институционал-иқтисодий механизмининг шакллантириш ва такомиллаштириш йўллари асослаш;

мамлакатимизда ер мулкчилигини амалга ошириш жараёнидаги ёндашувларнинг молиявий, техникавий хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини тавсифлаш;

мамлакатимизда ер бозори шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, асосий тамойиллари ва методологик асослари ҳамда уни тартибга солишнинг механизми, замонавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш;

ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий-ҳуқуқий базасини бозор иқтисодиёти талаблари доирасида янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тизимининг иқтисодий механизми элементларини такомиллаштириш асосида ер солиғига тортиш, ер

---

Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари. (Монография). – Т., Янги аср авлоди. – 122 б.; Рахмонов Қ.Р. Ер ресурсларини бошқариш. Ўқув қўлланма. ТИМИ, Тошкент. 2008. – 161 б.; Бабажонов А.Р. Ер кадастри. Т., ТИМИ, 2008. – 220 б.

ижараси тизимларининг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини ва амалиётда уларни ҳисобга олиш зарурати ва йўлларини асослаб бериш;

ўрта ва узоқ истиқболда республикада ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш стратегиясининг концептуал асослари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмлари ва мониторингини амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республика ер ресурслари ва улардан фойдаланувчи хўжалик юритиш субъектлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнларида иштирок этадиган хўжалик юритиш субъектлари ўртасида вужудга келадиган ишлаб чиқариш, молиявий, ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, статистик ва қиёсий таҳлил, мантиқий мушоҳада ва абстракт фикрлаш, конструктив ҳисоблаш, монографик, ижтимоий сўров ўтказиш ва эксперт баҳолаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини фермер хўжаликларида ер субижараси, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкасини ёки унинг бир қисмидан вақтинча фойдаланиш асосида тартибга солиш механизмлари асосланган;

қишлоқ жойларда ерларни жисмоний ва юридик шахсларга мулк сифатида беришнинг баҳолаш услуби, ижтимоий омиллари, солиққа тортиш тартиби ва уни ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари асослаб берилган;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий ҳолатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш тартиби асосланган;

қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ерларга қилинган капитал харажатларни ҳисобга олиш коэффиценти, капиталлашув ва нархнаво даражасини эътиборга олган ҳолда аниқлаш юзасидан таклифлар асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг афзалликлари ўрганилди, улардан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда фойдаланиш имкониятлари ва шарт-шароитлари асосланди;

худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати даражасининг таҳлили асосида улардан фойдаланишнинг прогноз кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди;

ердан фойдаланиш тизимига таъсир кўрсатувчи омиллар ва шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда уни тартибга солиш механизмларида қўлланиладиган элементларни такомиллаштириш ва татбиқ этиш сценарийси ишлаб чиқилди;

қишлоқ жойларида бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган ерларни уларга эҳтиёжи бўлган тадбиркорларга бериш тартиб-қоидаларини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосланди;

қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланиш тизимини тартибга солиш билан ягона ер солиғига тортиш ҳамда ер ижараси тизимларининг ўзаро боғлиқлигини ҳамда ерлар норматив қийматининг кўпфункционаллигини ва улардан фойдаланиш доирасини кенгайтиришни таъминлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;

республикада ўрта ва узоқ муддатларда ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш стратегиясининг концептуал асослари ишлаб чиқилди ва уни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва мониторингини самарали юритиш юзасидан тавсиялар тайёрланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ушбу мавзу билан боғлиқ илмий изланиш олиб борган иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазаларининг танқидий ва ижодий ўрганилганлиги, тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил услубларининг мақсадли ва манзилли қўлланилганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, тавсия этилган илмий-амалий натижаларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда ер ресурсларидан фойдаланиш тизими ва уни тартибга солиш механизмларини бозор талаб ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва ривожлантиришга оид назарий-методологик ва услубий аппаратни ҳамда мавзуга доир иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикада ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш, унинг механизмларини шакллантириш ва хўжалик юритиш субъектлари фаолиятига жорий этишга бағишланган манзилли ва мақсадли дастурий ҳужжатларда, соҳани тизимли ва комплекс ривожлантиришга қаратилган таъсирчан “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини шакллантириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини фермер хўжаликларида ер субижараси, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкасини ёки унинг бир қисмидан вақтинча фойдаланиш асосида тартибга солиш механизми юзасидан билдирган таклифи Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари,

геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 03-05-4834-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқда ер ижараси мазмуни ва кўламининг янада кенгайиши ҳисобига ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янги босқичга асос солинган, ер солиғини тўлашнинг молиявий манбаси мустаҳкамланган, барқарор ва самарали иш жойлари ташкил этилган;

қишлоқ жойларда ерларни жисмоний ва юридик шахсларга мулк сифатида беришнинг баҳолаш услуби, ижтимоий омиллари, солиққа тортиш тартиби ва уни ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг 2015 йил 26 августдаги 330/01-36-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш 2014 йилда 55 та иқтисодий ночор, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган ер участкаларининг 212,6 гектар майдони топширилиши натижасида ер солиғидан 673,2 млн. сўм маблағлар тежалишини асослашга ёрдам берган;

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий ҳолатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2018 йил 14 июндаги 03-05-4834-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни татбиқ этиш қишлоқ хўжалиги ерларини меъёрий баҳолаш, ерларнинг ҳисоботини юритиш, ер мониторингини амалга ошириш ишларида меҳнат унумдорлигини ўртача 20 %га ошириш, ушбу жараёнлар учун барча харажатларни ўртача 25 %гача қисқартириш имконини берган;

деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш тартиби юзасидан таклифи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 4/23-1203/3-сонли маълумотномаси). Натижада деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини молиялаштиришнинг янада қулай механизмини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади;

қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини ерларга қилинган капитал харажатларни ҳисобга олиш коэффиценти, капиталлашув ва нарх-наво даражасини эътиборга олган ҳолда аниқлаш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётда қўллаш

учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017 йил 18 декабрдаги КА/04-03-32-04/1680-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли қарорининг қайта кўриб чиқилиши зарурлигини асослаб берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Илмий ишнинг асосий ғоя ва натижалари 8 та халқаро ва 17 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилган ва ижобий баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Илмий тадқиқот натижалари 3 та монография, 50 дан ортиқ илмий мақолаларда эълон қилинган. Диссертация иши бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий ҳажми 31,5 босма табоқдан иборат.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация ҳажми 238 бетни ташкил қилиб, 20 та жадвал, 5 та расм, 7 та график ва 7 та иловани ўз ичига олган. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Бозор муносабатлари шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг илмий-назарий асослари ва йўналишлари”** деб номланган биринчи бобида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимининг илмий асослари, ривожланиш тенденцияси ва уни тартибга солиш иқтисодий механизмни такомиллаштиришнинг ер рентаига боғлиқлиги, бозор муносабатлари шароитида ердан фойдаланиш тизимини ривожлантириш жараёнида вужудга келадиган илмий-назарий характердаги муаммолар, шунингдек хорижий давлатларнинг ер ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги тажрибаларини Ўзбекистонда қўллашнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.

Ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси эканлиги, унинг худудий ва моддий чекланганлиги, турли даражадаги унумдорлиги ва тоифаларга бўлиниши ундан тизимли фойдаланиш муаммосини иқтисодиёт ва жамият тараққиёти учун доимо долзарб қилиб қўймоқда. Бироқ, сўнгги йилларда ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришдаги камчиликлар ва уларни такрор ишлаб чиқариш циклининг яқунланмаганлиги, бу борадаги

иқтисодий механизмнинг тўлиқ шаклланмаганлиги маълум даражада қишлоқ хўжалиги ерларидан тизимсиз фойдаланишга, уларнинг жиддий деградациялашувиغا олиб келди. Ер ижараси ҳуқуқининг иқтисодий мазмуни аниқ эмас, ернинг бозор қиймати баҳоси йўқ, ягона ер солиғи ердан фойдаланишда рағбатлантирувчи ролни бажармаяпти, иқтисодий рағбатлантириш тамойили тўлиқ амал қилмаяпти. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, ердан фойдаланишга концептуал жиҳатдан иқтисодий асосга қурилган тизимли ёндашув бўлиши лозим. Ҳолбуки, ердан фойдаланиш объектив, иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг зарурий шартидир, бу эсанинг доимо ривожланиб ва муайян тенденцияларга эга бўлиб борадиган динамик жараён эканлигини билдиради. Бинобарин, жамият ва табиат қонунларининг ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланиш тизимининг гносеологик асослари ва тамойилларини билиш ушбу тизим ҳақидаги назарияни ривожлантиришга хизмат қилади. Ердан фойдаланиш тизимини гавдалантирувчи элементлар бир вақтнинг ўзида ҳам алоҳида, ҳам ўзаро узвий боғлиқдир (1-расм).


Иқтисодиёт ва жамият томонидан ер ресурсларидан фойдаланиш тўхтовсиз бўлган объектив жараёни акс эттиради, чунки фойдаланилаётган ер ресурслари жамиятнинг ҳар хил моддий ва бошқа турдаги эҳтиёжларини қондириш зарурати сабабли кўпмақсадли ва кўпфункционали характерга эга. Шу ўринда 2-расмга кўра, ернинг ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари доирасида фойдаланиш йўналишлари билан боғлиқ тўртта блокда, яъни “табиий ресурс”, “иқтисодий ресурс-капитал”, “кўчмас мулк объекти” ва “хўжалик юритиш объекти” сифатидаги хусусиятларини, шунингдек уларнинг илмий-назарий ва услубий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш концептуал муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Мазкур ўзаро боғлиқликни ўзига хос модел сифатида баҳолаш мумкин. Демак, ер ресурсларидан фойдаланиш тизими, бизнингча, бу жамият ва табиат қонунларидан онгли равишда фойдаланиш асосида ривожланадиган, иқтисодиёт ва жамият томонидан ер ресурсларини тўхтовсиз, цикли, кўпмақсадли тасарруф қилиш, унга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳамда мазкур жараёни тартибга солишда содир бўладиган муносабатлар тизимидир. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмлари эса, бу ерни тасарруф қилиш, унга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнларида вужудга келадиган бошқариш, ташкил қилиш, режалаштириш ва рағбатлантиришни тартибга солишга қаратилган давлат ва ердан фойдаланувчилар томонидан ердан “табиий ресурс”, “иқтисодий ресурс-капитал”, “хўжалик юритиш объекти” ва “кўчмас мулк объекти” сифатида фойдаланишни амалга оширишда қўлланиладиган ташкилий-ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий, ижтимоий, техноэкологик ва бошқа инструмент ва воситалар мажмуидир.

Бизнингча, ердан фойдаланиш иқтисодий механизмнинг элементларини, шу жумладан ер қиймати, ер солиғи, ер ижараси ҳақи каби муҳим иқтисодий категориялар билан боғлиқ муаммоларни ечишда бугунги



1-расм. Ердан фойдаланиш тизими ва унинг элементлари<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган



2-расм. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизими иқтисодii механизмида ернинг кўпфункционаллик характери ва фойдаловчи кўрсаткичлар<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган иқтисодий назария классиклари Ф.Кэне, А.Тюрго, У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, А.Маршал ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган рента муносабатлари хусусиятлари ва қонуниятлари, улар орқали аниқланган жамият бойлигини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан диссертацияда ердан фойдаланишнинг иқтисодий институтлари, механизми ва ер рентаси назарияси юзасидан улар томонидан билдирилган ва асослаб берилган турли хил концепция, қарашлар, услубларни тадқиқ қилиш натижалари юзасидан хулосалар келтирилган.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти муаммоларига бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари таҳлили шундан гувоҳлик берадики, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ер учун тўловларни аниқлашда ер рентаси назариясини қўллаш масаласи очиқ қолмоқда. Айниқса, тармоқда бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида ер рентаси шаклланиши ва уни тақсимлаш муаммоси тобора долзарблик касб этмоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш шароитларини табақалаштириш учун барқарор, объектив асослар борлигини назарда тутган ҳолда солиқ солиш ёки ижарани белгилаш жараёнида рента муносабатлари қонуниятлари талабларини амалга оширишнинг иқтисодий механизмини ишлаб чиқишни тақозо қилади<sup>12</sup>.

Дунё миқёсида бўлганидек, мамлакатимизда ҳам ердан фойдаланиш тизимида ерлар мелиоратив ҳолатининг бузилиши, эрозия, қурғоқчиликнинг кучайиши, саноат ва транспорт қурилишлари, фойдали қазилмаларнинг очиқ тарзда ўзлаштирилиши, ер ости сувлари ва шўрланишнинг салбий таъсири кучайиши натижасида қишлоқ хўжалиги ерларининг оборотдан чиқарилиши каби жараёнлар содир бўлмоқда. Уларнинг натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлов бериладиган ерларнинг ҳажми сезиларли даражада қисқариб бормоқда, масалан унинг энг ками Хитой (0,09 га.) ва Мисрга (0,05 га.) тўғри келади. Ушбу масалалар глобал ва ҳудудий жиҳатдан БМТ, ЮНЕСКО, ФАО ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан тартибга солинмоқда. Кўплаб давлатларда, масалан, Бельгия, Германия, Дания, Италия, Франция<sup>13</sup> каби ривожланган давлатларнинг ердан фойдаланишни режалаштириш, фермер хўжаликлари ер майдонларининг максимал ва минимал ўлчамини белгилаб қўйиш, ер ижараси муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни кучайтириш, хорижий фуқаролар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ерлардан, хусусан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиши фақат ижара ҳуқуқи шартлари асосида амалга оширилиши каби тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Диссертация ишининг **“Ер ресурсларидан фойдаланиш тизими ва муносабатларининг ривожланиш жараён ва муаммоларини таҳлил қилишнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган иккинчи бобида ер ресурсларининг тақсимланиши, ўзгариш динамикаси, ерларни сифат


<sup>12</sup> Сагайдак А. Земельная собственность и рента (Рыночная экономика для всех). – М.: Агропромиздат, 1991. – 80 с.

<sup>13</sup> Центр экономических исследований Узбекистана, [www.cer.uz](http://www.cer.uz).

жихатдан баҳолаш, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолати барқарорлигини таъминлаш, ер-аграр ислоҳотларини амалга ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Масалан, мамлакатимизда сўнгги 18 йил ичида қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлар 1,64, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ер майдони 2,12 марта камайган бўлса, аҳоли пунктларининг ерлари 1,12, ўрмон ерлари 4,45, сув фонди ерлари 1,35, захира ерлар 1,49 мартадан ортиқроқ ошди. Ҳар йили қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ўртача экин ерларининг 3,0-3,5 минг га, қишлоқ хўжалиги ер турларининг 90,0-95,0 минг га, мелиоратив қурилиш мақсадларида 72,0-82,0 минг гектар олиб қўйилиши, яъни қайта тақсимланиши кузатилмоқда.

Республикада яйлов ерларининг ўрмон ер тоифаларига ўтиши ва бошқа тоифадаги ерлар майдонининг ошиши ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхона, ташкилот ва муассасаларининг ер майдонлари 12906,2 минг гектарга камайган. Қишлоқ хўжалиги ерларининг умумий майдони 2018 йил 1 январь ҳолатига 20261,6 минг гектарни ёки мамлакат жами ер фондининг 45,13 %ини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ва томорқа хўжаликларининг умумий ер майдонидан қишлоқ хўжалиги ер турлари майдони 15543,7 минг га.ни (76,7 %), суғориладиган ерлар 3702,4 минг гектарни (18,3 %), қишлоқ хўжалигида нодавлат сектор ерларининг улуши 99,9 %ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 01.01.2018 йил ҳолатига кўра тақсимланиши 3-расмда келтирилган.




**3-расм. 01.01.2018 йил ҳолатига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида қишлоқ хўжалиги ерларининг жами ер майдонидаги улуши, %**

Демак, республикаимиз ва унинг ҳудудий кесимларда қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар камайиш тенденциясига эга. Шу боисдан ҳам истиқболда республикаимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ўзгариш динамикасини прогноз қилиш муҳим амалий аҳамиятга

эга ва бунинг учун регрессия тенгламаларидан фойдаланиш олинадиган натижалар ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз ва бунда прогноз натижаларини олиш мақсадида ўртача қийматдан фойдаланилди ва улар қуйидаги жадвалда келтирилди:

Йиллар	T	Қишлоқ хўжалик ерларининг майдони <sup>14</sup> , $y_t$	$\hat{y}_t$
1990	1	33167,8	33051,4
2000	2	25736,0	26083,6
2009	3	22259,2	21910,6
2016	4	20417,0	20532,4
	5		<b>21949</b>
	6		<b>26160,4</b>

$\hat{y}_t = 1397,4t^2 - 11160t + 42814$  регрессия тенгламаси ёрдамида топилган маълумотлар қуйидаги график кўринишида ифодаланган:



Ҳисоб-китоб натижалари детерминация коэффиценти  $R^2 = 0,9972$  га тенг (1,0 га яқин) эканлигини, яъни аппроксимация хатолигининг жуда кичиклигини билдиради.

Ерларни сифат жиҳатдан баҳолашга кўра, тоғ олди (адир) минтақаларидаги ерлар умумий суғориладиган ерларнинг 43,0 % ни, чўл минтақалари текислик ерлари эса 57,0 % ни эгаллаган. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида гипслашган ерларнинг умумий майдони 350 минг гектар, тошлоқланган суғориладиган ерларнинг майдони 150 минг гектарни ташкил қилади. Ирригация ва сув эрозияси суғориладиган ерлар умумий майдонининг 8,0 %ида, шамол эрозияси 15,0 %ида, шундан ўртача ва кучли даражадагилари 7,0 %ида учрайди. Сўнгги йилларда тупроқ қатламининг бузилиши билан боғлиқ қурилиш ишлари, фойдали қазилма бойлик конларини ишга туширишдан олдин тупроқнинг унумдор қатламини олиб кўйиш ва ундан фойдаланиш тадбирлари амалга оширилмасдан келинмоқда.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу қатламдан мамлакатимизда мавжуд бўлган 140 минг га. тошлоқ ерларни тупроқлашда фойдаланиш мумкин экан.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бонитет балли 60 дан юқори бўлган ерларнинг майдони 10,4 %га қисқариб кетган бўлса, ер сифати бўйича ўртача ва ўртадан паст майдонлар 14,0 %га кўпайган. Бунинг сабаблари, аввало, ерлар мелиоратив ҳолатининг умумий ёмонлашуви бўлса, кейингиси унумдорлиги паст 165 минг га ерларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун ўзлаштирилганлиги билан изоҳланади. Ҳозирги кунда республика қишлоқ хўжалигида 0,02 % ёмон ерлар, 17,9 % ўртачадан паст ерлар, 53,0 % ўртача, 27,0 % яхши ерлар ва 2,0 % гина энг яхши ерлар мавжуд. Ерларнинг ўртача балл бонитети 55 бўлиб, бундан Қорақалпоғистон Республикаси (41,3 балл), Бухоро (51 балл), Жиззах (51 балл), Қашқадарё (52,5 балл), Навоий (53 балл), Сирдарё (53 балл) ва Хоразм (54 балл) вилоятлари кўрсаткичлари пастдир.

Шунинг билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ерлари мелиоратив ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини мунтазам амалга ошириш ва бунинг учун инвестиция ресурсларини мақсадли ва манзилли йўналтириш ҳам истиқболда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг даромадларини кўпайтириш ва соҳада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни жорий этишга кенг имкониятлар яратади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 2,5 млн. га суғориладиган ерларида 103,3 минг км. дренаж тармоғи, шундан 32,1 минг км. асосий магистрал ва хўжаликлараро коллекторлар, 107,7 минг км. ички суғориш дренаж тармоқлари (шу жумладан 37,5 минг км. ёпиқ горизонтал дренаж), 3767 та вертикал жойлашган дренаж мавжуд<sup>15</sup>. Лекин мазкур иншоотларнинг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич, яъни тупроқларнинг шўрланиш даражасини аниқлаш ишлари ҳар 5 йилда такрорланиб турилиши лозимлигига қарамасдан маблағ танқислиги оқибатида 1990 йиллардаёқ тўхтатиб қўйилган. Шўрланган ерлар ҳозирда республика бўйича жами суғориладиган ер майдонларининг 60,0 %ини ташкил қилгани ҳолда Тошкент, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида 12,9-42,6 %ини, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Фарғона вилоятларида 53,7-68,7 %ини, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 82,2-97,5 %ини ташкил этади<sup>16</sup>. Умуман, тегишли илмий-тадқиқот муассасалари хулосаларига кўра республикаимизда кейинги йилларда ҳам сув танқислиги, айниқса ўсимликларнинг вегетация даврида сув етишмаслиги башорат қилинмоқда. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш мақсадлари учун сув олиш ҳажми 1980 йилга нисбатан 13 млрд. м<sup>3</sup> дан кўпроққа камайган бўлса ҳам, бу мамлакатимиз сув ресурсларининг 90 %идан ортиғини ташкил қилади. 1 га ер ҳисобига олинган сув миқдори 18,1 минг м<sup>3</sup> дан 11,7 минг м<sup>3</sup> гача

<sup>15</sup> Марказий Осиё Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси илмий-ахборот маркази маълумотлари. – Тошкент, 2017 й.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

камайган бўлишига қарамасдан, 1 га. дан олинган даромад 1,77 минг АҚШ долларидан 2,93 минг АҚШ долларигача ошган<sup>17</sup>.

Лалми ерларнинг ёгингарчилик билан 13,2 %и кам, 74,9 % ярим таъминланган ва 11,9 %и эса таъминланмаган майдонлар ҳисобланади. Республикада кейинги 30 йил мобайнида лалми ва табиий ўтлоқзор ерларни қайта рўйхатга олиш бўйича ишлар мажмуавий равишда ўтказилмаганлиги оқибатида ҳозирги пайтда ҳатто уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумот ҳам аниқ эмас. Лалми ерларнинг майдони эса 750 минг га. дан кўпроқ ҳисобланади<sup>18</sup>. Табиий ўтлоқзорларни геоботаник ўрганиш ишларини амалга ошириш, таназзулга учраган ўтлоқзор майдонлари ва унинг сабабларини аниқлаш, фитомелиорация қилиниш ҳажми, уларни таназзулга учраш даражаси бўйича минтақага (районларга) бўлиш, яйловлар сиғимини, унумдорлигини ошириш йўллари аниқлаш, махсус руҳсатлар бўйича молларни боқиш ҳуқуқини олиш тизимини такомиллаштириш, яйловлар алмашинувини таъминлаш, моллар боқилиши чекланган ва тақиқланган зоналарни белгилаш зарур. Алоҳида қийматга эга унумдор суғориладиган ерларнинг чегаралари аниқланиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига мувофиқ муҳофаза қилиниши ва ундан фойдаланишнинг алоҳида режими ўрнатилиши, шунингдек кўп йиллик дарахтзорлар жойлашган ерларнинг тупроқларини бонитировкалашнинг махсус услубини ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон ер фондининг 9 % га яқинини экин майдонлари, суғориладиган ерлар эса 7,5 % ни ташкил этади. Бугунги кунда ҳар бир гектар суғориладиган ерга ўртача 7,1 киши тўғри келиб, ушбу кўрсаткич халқаро меъёрларга нисбатан анча юқоридир. Бу эса, аҳоли ўсиш суръатларининг суғориладиган ерлар майдонларига нисбатан тез ўсиши натижаси бўлиб, кейинги 25 йилда аҳоли жон боши ҳисобига тўғри келадиган суғориладиган экин майдони 0,22 га дан 0,11 га. гача қисқарди (4-расм).


Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир киши 12 кишини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда. Ушбу кўрсаткич ривожланган давлатларда 6-8 марта юқори. Шунинг учун ҳам диссертацияда ер-аграр ислохотлари босқичлари ва уларда амалга оширилган чораларнинг ўзига хос характерли жиҳатлари ва натижалари тадқиқ қилинган. Жумладан, хорижий экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда аграр ислохотлар тугалланмаган ва бунинг асосий сабаби ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқларининг жорий этилмаганлигидадир. Бизнингча, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ерларига хусусий мулкчиликнинг жорий этилмаганлиги ер-аграр ислохотларининг иқтисодий ва ижтимоий асослари саёз дегани эмас, балки фермер хўжалиқларининг ерни ижарага олган субъект сифатида ҳимоя этилмаганлиги ва уларга ижарага бириктирилган ер

<sup>17</sup> Марказий Осиё Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси илмий-ахборот маркази маълумотлари. – Тошкент, 2017 й.

<sup>18</sup> “Ўздаверлойтих” илмий-лойиха институти қошидаги Тупроқ бонитировкасини ўтказиш шўба корхонаси маълумотлари.

участкаларини қайта тақсимлаш юзасидан самарали тизимнинг йўқлиги, яъни иккиламчи ижара муносабатларининг жорий этилмаганидир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда фермер хўжалиқларига 84,4 % экин майдонлари бириктирилган бўлиб, улардан 4 % оилалар ёки 6,2 % аҳоли фойдаланмоқда. 12,5 % қишлоқ хўжалиги ерлари дехқон ва томорқа хўжалиқлари ва бошқаларга бириктирилгани ҳолда 12 % аҳолининг асосий ва кўшимча даромад олиш манбаи бўлиб ҳисобланади. Лекин, амалиётда ер




4-расм. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бир кишига тўғри келадиган суғориладиган ер майдони, га<sup>19</sup>

ресурсларига бўлган барча эҳтиёжларни тўлиқ қондириш ҳар қандай жамиятда ҳам ҳал қилиб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Шу маънода тармоқда ердан фойдаланишни прогноз қилиш учун тадқиқот жараёнида кўйидаги регрессия тенгламасидан фойдаланилди:

$$\hat{y}_t = 0,8564t^4 - 25,912t^3 + 298,54t^2 - 1578,1t + 28501.$$

Юқоридаги регрессия тенгламаси асосида амалга оширилган алгоритмик ҳисоб-китоб натижаларига кўра, графикдан кўриниб турибдики, детерминация коэффициенти  $R^2 = 0,9352$  га, яъни деярли 1 га тенг. Демак, аппроксимация хатолиги жуда кичик даражани билдиради.



Графикда келтирилган маълумотлар ўрта қийматидан фойдаланиб 2015-2016 йиллар учун олинган прогноз натижаларига асосланиб, ер ресурсларидан фойдаланишнинг чекланганлиги хусусида хулоса чиқариш мумкин. Бу ҳолат эса, ўрта ва узоқ истиқболда қишлоқ хўжалигини

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

ривожлантириш сценарийларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Биринчи инерцион вариантда (базавий сценарий, ўртача йиллик ўсиш суръатлари 106,3%), қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясининг ўзгармаслиги, олиб борилаётган ислохот йўналишларининг давом эттирилиши ҳамда мавжуд ривожланиш тенденциялари ва динамикасининг сақланиб қолиши назарда тутилган. Аграр секторни ривожлантиришнинг мобилизацион вариантыда эса, бугунги кунда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг асосий қисми (60 %идан кўпроғи) томорқа ва деҳқон хўжаликларига ва 35 %дан кўпроғи эса фермер хўжаликларига тўғри келишини назарда тутган ҳолда ташкилий-таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-институционал механизмларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш масалаларига асосий урғу берилди. Хусусан, бизнингча, майда қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, яъни деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларининг сифат ва қиймат баҳоси, уларнинг ҳисоби ҳамда муҳофазаси билан боғлиқ масалалар айнан ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришнинг истикболдаги устувор вазифалардан бири сифатида ўз ечимини топиши лозим.

Шу билан бирга бугунги кунда ички ва ташқи бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ортиб бориши, бу борада рақобатнинг тоборо кескинлашаётганлиги шароитида “томорқа хўжаликларини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда уларнинг улушини кўпайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг етарлиги эмаслиги”<sup>20</sup> соҳага натурал ишлаб чиқариш эмас, балки кўпроқ товар ишлаб чиқариш сифатида қарашни ва шунга мос равишда уни институционал ислоҳ қилишни талаб қилмоқда. Айни шу маънода фермер, томорқа ва деҳқон хўжаликлари ерларидан фойдаланишни кластерлаштириш, шунингдек фермер хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг субижара шаклини жорий қилиш ҳамда деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда ушбу ерларни вақтинчалик фойдаланишга бериш амалиётини жорий қилиш лозим.

Диссертациянинг **“Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг институционал-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимининг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва уни тартибга солиш, ер ресурсларини хусусийлаштириш ва ердан мулк сифатида фойдаланиш механизми ҳамда ер бозорининг шаклланиши ва ривожланишига бағишланган масалалар тадқиқ қилинган.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси қабул қилингандан кейинги қарийиб 20 йил мобайнида мамлакатимизда кенг

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йи 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли Қароридан.

кўламли ва қамровли салмоқли ислохотлар амалга оширилди ва бугунги кунда уларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнлари жадал давом эттирилмоқда. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, бугунги кунга келиб Ер кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишга зарурат сезилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ер муносабатларини такомиллаштириш ва реализация қилишда, жумладан:

давлат-хусусий шериклик асосларини устувор тарзда таъминлашга эътиборни қаратиш, доимий ва муддатли (вақтинча) ерга эгаллик қилиш ва фойдаланиш тушунчаларининг мазмун-моҳияти, фарқи ва чегараларини аниқ ифода қилиш;

хайдаладиган ерларни суғориладиган ва лалми ерларга ажратиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни махсус муҳофаза қилиш юзасидан давлат ва бошқа мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш;

бошқа тоифадаги ерларга ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг ўрнини компенсация қилиш натурал ёки қиймат шаклида бўлиши;

суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказишга йўл қўймаслик;

агар сув ресурслари етишмаса, суғоришнинг замонавий усулларига (томчилатиб, ёмғирлатиб, полиэтилен трубалари орқали) ўтказилишини белгилаш;

алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет балли 20 % дан эмас, балки 10 % дан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари киришини белгилаш;

қишлоқ хўжалиги ерларини ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида қайта фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатларини қоплаш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилишини назарда тутиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланадиган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ерлардан фойдаланишнинг мақсадлилигини ўзгартирмаслиги, ер учун ҳақ тўлашлари, уларнинг айби билан ҳолати бузилган ерларни тиклаш учун харажатларни қоплашлари шартлиги;

ердан фойдаланишда оила пудрати шартномасининг муддатини аниқлаштириш, пудратчи шартнома муддатида ер участкасининг бузилишига йўл қўйса, уни тиклаш юзасидан пудратчи томонидан чоралар кўрилиши лозимлиги;

фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси ўлчамининг энг кам миқдори ва ишловчилар сонини ҳисобга олиш тартибини, унинг ишлаб чиқариш мақсадлари учун ер участкаларини субижарага олиш тартиби ва шартлари;

деҳқон хўжалигини юритиш учун қишлоқ жойларда яшовчи ва ўз мулкида чорва моллари бўлган фуқароларга пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари бериш тартибини белгилаш;

боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик билан бир қаторда чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, мўйначилик, тутчилик, кўчатчилик, гулчилик юритиш ва бошқа мақсадлар учун фуқароларга ер участкалари беришнинг янги тартибларини жорий қилиш;

ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш нормаларини бугунги ва эртанги кун талаблари доирасида такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларининг ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ўтказилаётганлигини ва бу билан боғлиқ маҳаллий бюджет даромадига таъсири бўлиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда туман ҳокими эмас, балки вилоят ҳокими қарорининг халқ депутатлари вилоят Кенгашида тасдиқланиши лозимлиги тўғрисидаги нормалар билан тўлдириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан ташқари, бугунги кунга қадар ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқларни гаровга олган ҳолда фермерларга кредит ажратиш тартиби жорий этилганлигига қарамадан, бу тартиб, афсуски, ҳозиргача амалиётда ўз ўрнини топа олгани йўқ. Шу боисдан ҳам, нафақат фермер хўжаликлари учун, балки, бизнингча, мерос қилиб қолдириладиган ерга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини банк кредити учун гаровга қўйиш механизмини деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятига ҳам жорий қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, қишлоқда ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш вазифалари ер участкасини хусусийлаштириш, бу жараёни инвестициялаш, ипотека кредитлаш, ерга эгалик қилиш ва фойдаланишга оид қимматбаҳо қоғозлар билан муомала қилиш тартиб-қоидаларини ҳамда кенг қамровли рағбатлантириш дастакларини жорий қилишнинг илмий-методологик ва услубий-амалий асосларини яратишни тақозо қилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинolari ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги ПФ-3780-сонли Фармонининг қабул қилиниши муносабати билан хусусийлаштирилган ер участкалари обороти чегараланмайди, улар харид қилиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш, мерос, ижара ва гаров объектлари бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги 126-сонли қарорига мувофиқ ўтказилган шаҳарлар, шаҳар поселкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерларини комплекс иқтисодий баҳолаш (1991 йилдаги базавий нархларда) натижалари маъқулланган эди.

Ер участкаларининг бошланғич қиймати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудларни комплекс иқтисодий баҳолаш натижалари асосида аниқланади. Лекин Ўзбекистонда ҳали ер бозори тўлиқ шаклланмаганлиги ва унинг энди ривожланиш сари бораётганлиги сабабли

ерларни оммавий баҳолашда бозор қийматига мўлжал бўлиб ер участкаларининг кадастр (фискал) қиймати хизмат қилиши лозим. Ривожланган мамлакатларда ернинг нархи бошқа товар ёки капиталга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ер нархининг ўсиш суръати инфляция суръатига нисбатан доимо 2-3 марта ва ундан ҳам тез ўсган. Ер ресурсларининг каттагина қисми бозор товари эмас, шунингдек бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам давлат ва маҳаллий ҳокимият мулки ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида бундай ерларга қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерларни (суғориладиган ва алоҳида қимматга эга унумдор ерлар) киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган бошқа ерлар эса бозор товари ҳисобланиши мумкин. Ер бозори давлат бошқарувининг асосий ва ҳажмдор объекти ҳисобланади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ бўлган олди-сотдилар жиддий бошқарувга учрайди. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистонда ер бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг моделини ишлаб чиқишни ва уни 1-жадвалдаги йўналишлар ва усуллар (дастаклар) орқали амалга оширишни тавсия қиламиз.

Диссертациянинг **“Истикболда ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган тўртинчи бобида асосий эътибор ўрта ва узоқ истиқболда ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш стратегиясининг концептуал асослари, ер солиғига тортиш усулларини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш, ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва мониторингини амалга ошириш масалаларига қаратилган.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ер ресурслари ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг бош манбаи ҳисобланади. Ернинг табиий ресурс сифатида жуда кўп функцияларни бажариш қобилият ва имкониятлари инобатга олинадиган бўлса, унинг ташкилий-ҳуқуқий, институционал, инвестициявий, таркибий, ижтимоий-иқтисодий, табиатни муҳофаза қилиш, технологик, экологик ва бошқа жиҳатларини қамраб оладиган бошқариш механизм ва усулларининг ҳам мос равишда кўп хиллигини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш стратегиясини белгилаш ва уни муваффақиятли амалга ошириш республикамиз шароитида истиқболдаги энг долзарб ва устувор вазифалардан бири сифатида тан олиншини ва ҳал этишни талаб қилади. Бу ўз навбатида ердан фойдаланишнинг нафақат давлат томонидан тартибга солинадиган, балки бозор талаблари, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллариининг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга оладиган, замонавий принциплар янги тизимни яратишга қаратилган **“Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солишнинг миллий Концепцияси”**ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини англатади.

Ушбу **“Концепция”** ўз мақсад ва мазмун-моҳиятига кўра ер муносабатларини ривожлантиришнинг бозор механизмлари, талаблари ва

Ўзбекистонда ер бозори шаклланишини давлат томонидан тартибга солиш модели<sup>21</sup>

	Усуллари (дастаклари)  Асосий йўналишлар	Ҳуқуқий асослари ва таркиби						Иқтисодий ва маъмурий механизмлари						
		Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси	Қонунлар, фармонлар ва қарорлар	Суд, прокуратура	Давлат регистри	Маҳаллий ҳокимият органлари	Нарх-наво	Солиқ тизими	Ер кадастри, баҳолаш ва мониторинг	Ипотека кредити	Алоҳида фаолият турларини белгилаш	Ҳужжатларни қайд этиш тартиби	Жарима ва бошқа жазолар
1	Ерга хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий кафолати	x	x	x	x	x	x							
2	Ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқини бериш	x	x	x	x	x	x					x		
3	Ер участкалари билан олди-сотди муносабатларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий тартибга солиш	x	x	x	x	x	x					x		
4	Давлат томонидан назорат вазифаларини амалга ошириш	x			x	x	x							
5	Ер бўйича тортишувларни ҳал қилиш	x	x	x	x	x	x			x		x	x	
6	Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш	x		x	x	x	x	x		x		x	x	
7	Рақобатни қўллаб-қувватлаш(ҳимоя қилиш)	x		x	x			x	x			x	x	
8	Ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш	x		x		x	x	x	x		x			
9	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	x		x			x	x	x	x	x			
10	Давлат буюртмасини бажариш юзасидан маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш			x			x	x	x	x				
11	Пул-кредит бўйича тартибга солиш	x	x	x	x		x	x	x	x				
12	Даромадларни қайта тақсимлаш	x	x	x			x	x	x	x			x	

<sup>21</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

шароитларига мос келадиган концепция бўлиб, унда биринчи даражали эътибор ердан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатига берилиши керак ва уни жорий қилиш эса, энг муҳим стратегик вазифаларни бажаришга қаратилган бир қатор махсус дастурларни амалга оширишни назарда тутиши лозим. Концепцияни амалга оширишнинг асосий йўналишларига ерларнинг “меъёрий қиймати”ни аниқлашнинг барча минтақалар учун ягона тартибини ўрнатиш; ер участкалари бозор қийматини баҳолашни ўтказишнинг асослари, тартиби ва услубларини белгилаш; солиққа тортиш мақсадлари учун ерларнинг барча категорияларини оммавий баҳолашнинг услубиётини ишлаб чиқиш; шаклланаётган ер бозорида хизмат қилиш учун хусусий ер баҳоловчиларни тайёрлаш ва фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш (лицензиялаш, сертификатлаш ва бошқа), уларнинг жавобгарлигини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйишларни киритиш мумкин. Концепцияни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг янги таҳрири, «Ер тузиш тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тўғрисида»ги (диссертацияда муаллифлик ёндашуви келтирилган), «Давлат ер мулкани ажратиш тўғрисида»ги, «Тупрок унумдорлиги тўғрисида»ги, «Ерларни баҳолаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозим.

Концепцияда ерлардан фойдаланиш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш масалалари, барча ерлар, уларнинг мулк шакли, қайси мақсадда фойдаланиши ва фойдаланиш тарзидан қатъий назар, мониторинг объекти ҳисобланишига урғу бериш лозим. Чунки, мамлакатимизнинг баъзи минтақаларида ерларга экологик таъсир меъёрларининг ошиб кетиши натижасида уларнинг чўлланиши, эрозияси, унумдор қатламнинг бузилиши, шўрланиши, ботқоқланиши ва сув босиши, техноген ифлосланиши ва яйловларнинг деградациялашуви жиддий хавф туғдирмоқда. Ер ресурсларини давлат бошқаруви тизимида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ролини ошириш ва ваколатларини кенгайтириш, шунингдек ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни янада кучайтириш ва ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳудудий органларининг функцияларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари ва объектив қонуниятлари ер солиғи тизими, айниқса ягона ер солиғининг назарий-методологик асосини ташкил этади ва амалий жиҳатдан у солиқ солиш механизмининг белгилаш орқали татбиқ этишни тақозо этади. Бунда ер солиғи, ер ижараси ва ер рентасининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали ердан фойдаланиш учун амалга ошириладиган тўлов турларининг адолатли ва самарали тизимини жорий қилиш лозим бўлади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ерга давлат мулкчилиги мавжудлиги боис ер рентаси билан ер ижараси ҳақи ва ер солиғи бир-бирига ўзаро тенг бўлиши лозим.

Диссертацияда Ер кодекси (1998 й.), янги таҳрирдаги Солиқ кодекси (2008 й.), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 19 апрелда 1563-сонли рақам билан қайд қилинган “Ўзбекистон

Республикаси қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш бўйича вақтинчалик *Йўриқномаси*нинг мазмун-моҳиятига, уларни қўллаш амалиётига танқидий ва ижодий ёндашув амалга оширилган. Жумладан, сўнгги хужжат, яъни *Йўриқномада* белгиланган механизмни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Улар:

*биринчидан*, 1 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ернинг “меъёрий қиймати”ни аниқлаш формуласининг иқтисодий мазмуни фермер ёки бошқа хўжаликларнинг хўжалик юритишидаги индивидуал шарт-шароитларини ҳисобга олиш имконини бермайди;

*иккинчидан*, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўртача йиллик сотиш ҳамда ишлаб чиқаришда фойда меъёрлари манбаларининг йўқлиги;

*учинчидан*, ҳисоб-китобларни амалга оширишда катта майдонларга экилган қишлоқ хўжалик экинлари ҳисобланганлиги, кичик экин майдонлари ҳисобга олинмаганлиги;

*тўртинчидан*, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилардаги иссиқхона, балиқчилик ҳовузлари, қурилишлар, иншоотлар ва ҳовлилар эгаллаган ер майдонларини баҳолаш механизми йўқлиги;

*бешинчидан*, бозор шароитида ҳар бир омилнинг бир бирлиги ҳисобига ҳисоб-китоблар қилинишини назарда тутган ҳолда бонитет балининг ҳар бири учун алоҳида фойда меъёрини ҳисоблаш лозим. Чунки 10 бирликка ҳисоб-китоб қилиш, масалан 51 балга эга фермер учун оғирлик қилади, лекин 60 балли ерда фаолият қилаётган фермер учун енгилроқ бўлиши мумкин, 61 балли фермер учун умуман бошқа меъёр қўлланилмоқда;

*олтинчидан*, фермер ўзининг қўшимча даромади ҳисобидан ерларни тош ва шунга ўхшаш қаттиқ жисмлардан тозаласа, коллектор-дренажлар тармоғини тозаласа ёки янгисини барпо қилса, эрозияга қарши тадбирларни амалга оширса, ерларни капитал планировка қилса, янги ерлар ўзлаштира ва ҳоказо ишларни бажарганда уни рағбатлантириш манбалари назарда тутилмаганлиги бугунги кунда қимматли унумдор суғориладиган ерларнинг табиий-технологик ҳолатининг ёмонлашишига олиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, диссертацияда ерларнинг “меъёрий қиймати”ни пасайтирувчи **Кг** рағбатлантирувчи коэффицентни жорий этиш бўйича услубий тавсия ишлаб чиқилди ва уни қўллаш йўллари кўрсатиб берилди;

*еттинчидан*, баҳолаш ишларининг даврий ҳар 3-5 йилда ўтказилиши сабабли фермернинг ерлар ҳолатини яхшилаш учун қилаётган ҳар йилги харажатлари ҳисобга олинмай қолмоқда. Ундан ташқари, ерларни қайта тақсимлаш натижасида ёки янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган фермер хўжалиги ерининг “меъёрий қиймати”ни ҳисоблаш механизми ишлаб чиқилмаган.

Натижада сўнгги йилларда мамлакатимизда солиққа тортиладиган ерларнинг улуши ошиб борсада, бугунги кунда айрим сабабларга кўра режалаштирилган солиқ тушумлари йиғилмасдан қолмоқда. Масалан, биргина Сурхондарё вилоятида фақат 2005-2016 йилларда вилоят маҳаллий

бюджетига солиқ тушумлари ўртача 69,7 %га бажарилган, суғориладиган ерлар майдони 31,5 минг гектарга, уларнинг ўртача бонитет бали эса 5 баллга тушиб кетиши оқибатида ўртача 3,8 млрд. сўм ягона ер солиғи тушуми йўқотилган. Вилоят маҳаллий бюджетига ягона ер солиғи тушумлари режаси 44,8-92,8 % атрофида бажарилганлиги ҳисобидан қишлоқ хўжалигига доир харажатлар жами бюджет харажатларининг атига 0,5-3,1 %ини ташкил қилган, қишлоқ хўжалигига доир харажатлар ундирилган ягона ер солиғига нисбатан 4 баробардан зиёдга камайган<sup>22</sup>. Бизнингча, бундай ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида: а) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳисоби ва инвентаризацияси тартибини танқидий кўриб чиқиш лозим; б) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини режалаштиришда ерларнинг бонитет балини ҳар йили индексация қилиб бориш билан ечиш амалиётига ўтиш зарур; в) қишлоқ хўжалиги корхонаси учун банк кредити фоизини 3 дан 1 %га тушириш, техник, агрохимёвий ва бошқа хизматлар ҳақини 8-10 %га камайтириш лозим; г) давлат буюртмаси юзасидан тузиладиган шартноманинг иқтисодий мазмунини кенгайтириш ва чуқурлаштириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, юқоридаги ва бошқа вазифаларни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги № 235-сонли қарори билан “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда Низом) тасдиқланган. Бизнингча, Низом қоидалари ва уларни амалга ошириш механизминини таҳлил қилиш куйидаги хулосаларга олиб келмоқда:

*биринчидан*, Низомнинг 12-бандига кўра, норматив қийматни аниқлашда ер участкасининг жойлашишини ҳисобга олиниши ҳақида қоида белгиланмаган, аксинча, “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлиги”, “экин майдонларининг тузилмаси” деган янги тушунчалар кўлланилмоқда. Бу билан рента ҳосил қилувчи омиллар тўлиқ ҳисобга олинмаётганлигини ва норматив қийматни аниқлашда фақат даромадли ёндашув усули кўлланилиб, мулкый ёндашув амалга ошмаётганини кўришимиз мумкин;

*иккинчидан*, Низомнинг 11-бандига мувофиқ, 1 га. қишлоқ хўжалиги экин майдонининг норматив қийматини аниқлашда деҳқон бозорларида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларининг ўртача йиллик нархларидан фойдаланилиши белгиланган. Бизнингча, бунда улгуржи нархлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади;

*учинчидан*, Низомда фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бир гектар суғориладиган ҳайдов ерининг норматив қийматини белгилашда ундан амалда олинадиган фойда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш натижалари бўйича олинадиган фойда миқдорлари тўғрисидаги маълумотларга таянган ҳолда туманлар ва, шу билан бирга, ер тоифалари бўйича ўртача балл бонитетларидан келиб чиқиб, уларнинг меъёрий фойдага нисбатан

---

<sup>22</sup> Сурхондарё вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

коэффициентларини янада такомиллаштириш орқали амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

*тўртинчидан*, Низомнинг 19-бандига асосан ҳисоблаб чиқилган фойданинг капиталлашуви 5% миқдорда қабул қилиниши унинг макроиктисодий мутаносиблиги ва капиталлашувининг умум эътироф этилган назарий асосларидан четга чиқилганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, ҳозирги кунда инфляция даражаси 11-12 %ни, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси 16%ни ташкил қилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, бундай меъёрнинг иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқлигини баҳолаш лозим бўлади;

*бешинчидан*, Низомнинг иловаларида келтирилган коэффициентлар ва бошқа рақамларнинг илмий асосларини объективлик, ҳаққонийлик ва реал ҳолатга мос келиши нуқтаи назаридан янада кучайтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини ягона ер солиғига тортишда таклиф этилаётган барча рағбатлантирувчи омил ва воситалар жорий қилинганда бюджетга тушумлар камайишининг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

1. Ягона ер солиғини ҳисоблашнинг мазкур услуби универсал ёки такомиллашган эмас, яъни у қишлоқ хўжалигидаги барча солиқ солиш (ижара) объектларини қамраб олмаганини кузатиш мумкин. Бу эса, солиқ солиш (ижара) объектлари ҳар қайсисининг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда ягона ер солиғини ҳисоблашни модернизация қилишни тақозо қилади. Бугунги кунда ягона ер солиғи тизимида асосий кўрсаткичлардан бири бу – 1 га суғориладиган ҳайдов ердан олинадиган ва ҳисоблаб чиқиладиган ўртача фойда меъёри ҳисобланмоқда. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қанча юқори бўлса, ернинг норматив қиймати ҳам шунча баланд бўлади ва фермер мос равишда кўпроқ солиқ тўлаши керак бўлмоқда. Бу вазиятда фермер ўз фойдасини оширишдан манфаатдор бўлмайди. Бу бюджетга тушумларни кўпайтириш учун ҳар йили ягона ер солиғи ставкасини маълум фоизга индексация қилиш дегани эмас, албатта. Аксинча ҳар йили ерларнинг норматив қийматини қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда вужудга келган реалликларга хос янги кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқиш талаб қилинмоқда. Яъни, ҳар бир экиндан олинган фойданинг туман бўйича ўртачаси эмас, балки ҳар бир фермер ва бошқа хўжаликларнинг амалдаги ҳар бир экин тури бўйича фойдасини ҳисоблаб чиқиш лозим. Бу эса, ушбу хўжаликларда ҳисоб ва ҳисобот тизимини янада такомиллаштиришни тақозо қилади.

2. Ерларнинг норматив қиймати тупроқнинг ўртача балига нисбатан тўғри пропорционал тарзда ўзгаради. Демак, бу ерда ҳам ердан фойдаланувчи тупроқ бонитет балини оширишга ҳаракат ва харажат қилишдан манфаатдор бўлмаяпти. Шу нуқтаи назардан, тупроқ унумдорлигини ошириш учун ердан фойдаланувчи томонидан қилинган харажатга қараб рағбатлантириш коэффициентини ерларнинг норматив қийматини аниқлашда ҳисобга олиш лозим. Аксинча, субъектив сабабларга

кўра ерларнинг ҳолати бузилишига йўл қўйган ердан фойдаланувчиларга нисбатан молиявий, маъмурий, ерларни олиб қўйиш даражасигача жазо санкцияларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш, унинг таъсири ва самарасини ошириш лозим.

3. Ерларнинг норматив қийматини ҳисоблашда қўлланилаётган қишлоқ хўжалиги интенсивлиги даражаси ҳисобга олинган минтақавий коэффицентни аниқлашнинг услубини такомиллаштириш зарур. Масалан, мазкур коэффицент энг чекка Сурхондарё вилоятида 1,3 (ўртача бонитет бали 56) республикада энг юқори даражада бўлса, ўртача бонитет бали мос равишда 60; 59,3; 59 ва 57,5 бўлган Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Андижон вилоятларда 1,1 – 1,2 қилиб белгиланган. Такрорий экинлар экиб, бир йилда икки ёки уч марта ҳосил олиш аслида унинг натурал шаклдаги интенсивлигини кўрсатади, шу билан бирга қиймат шаклидан келиб чиқиб ушбу коэффицентни аниқлашга ўтиш лозим. Масалан, 2015 йилда 1 га суғориладиган ерларнинг даромадлилик даражаси Сурхондарё вилоятида 2635,9 АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Андижон вилоятларида тегишинча 2875,5; 3155,7; 3223,4 ва 4993,0<sup>23</sup> АҚШ долларини ташкил қилган.

4. Таҳлилларга қараганда, 2017 йилда республика бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати қарийб 30,0 трлн.сўмни ташкил қилиб, ҳисобланган ягона ер солиғи 300,0 млрд. сўмга яқин бўлиб, тушумлар 2015 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ошган. Бундай ҳолат солиқ юқининг кескин ошиши ҳисобидан қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий аҳволининг оғирлашишига олиб келмайдими деган савол туғилиши табиий. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолатни қайта таҳлил қилиш ва бунда тармоқда иқтисодиётни эркинлаштириш масалаларини давлатнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш билан биргаликда кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

5. Ягона ер солиғи тўловчиларга ва қишлоқда ер солиғи тўловчилар-деҳқон ва томорқа хўжаликларига ер усти ва ер ости сувидан фойдаланганлик учун солиқни амалиётга жорий этиш талаб этилмоқда. Чунки, Ўзбекистонда агар сув танқислиги бўлмаганида потенциал суғориладиган ерларнинг майдони 10 млн. га. дан ошиши мумкин. Демак, қишлоқ хўжалигида сув ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади ва уни истеъмол қилиш жараёнидагина ер қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасига айланади. Бу эса, сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланишнинг таъсирчан ташкилий-иқтисодий механизмини, айниқса солиқ солишни тақозо қилади. Суғоришнинг замонавий тежамкор технологияларини (томчилатиб, ёмғирлатиб, полиэтилен трубалар орқали) қўллаётган ердан фойдаланувчи корхоналарни сув солиғидан бутунлай озод қилиш билан бир қаторда ер усти ва ер ости сувидан фойдаланувчиларга табақалаштирилган солиқ ставкаларини қўллаш лозим.

---

<sup>23</sup> Марказий Осиё Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси Илмий-ахборот маркази маълумотлари. – Тошкент, 2017 й.

Иزلанишларимизнинг илмий ва амалий натижалари бугунги кунда жаҳонда юз бераётган иқтисодий инқироз, кўплаб мамлакатлардаги катта бюджет тақчилликлари шароитида Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш тизими ва уни тартибга солиш механизмларини иқтисодиёт ва жамият эҳтиёжларига мос тарзда шакллантиришни тақозо қилади. Таклиф қилинаётган ғоя ва фикрлар бундай ёндашувни амалга оширишга ёрдам беради деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан, аниқланган камчилик ва қарама-қаршиликларни бартараф қилиш, ердан фойдаланиш иқтисодий механизмини такомиллаштириш пировард натижада ердан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларининг самарали ишлашига, ердан фойдаланувчилар молиявий ҳолатининг барқарорлашишига, солиқ тушумларининг ўртача 10-15 фоизга ошишига олиб келиши мумкин.

## ХУЛОСА

Тадқиқотларимиз натижасида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини шакллантириш ва такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган асосий илмий-назарий хулоса ва амалий тавсиялар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг аграр соҳани ислоҳ қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш қишлоқ хўжалигини инновацион модернизациялаш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш ва унинг таркибий элементларини янада кучайтиришни тақозо этади. Бунда, авваламбор, илмий-методологик жиҳатдан ердан фойдаланиш тизими ҳамда унинг иқтисодий механизми ердан фойдаланишнинг кўпмақсадлилигини ва ерни кўпфункционали объект сифатида ифодаловчи “табiiй ресурс”, “иқтисодий ресурс-капитал”, “кўчмас мулк объекти” ва “хўжалик юритиш объекти” категорияларининг мазмун-моҳияти ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, уларнинг фарқи ва чегараларини белгилаб олиш, шунингдек ер рентаси юзасидан ишлаб чиқилган фундаментал назариялар хусусиятлари ва натижаларига таяниши мумкин ва лозим.

2. Ўзбекистон шароитида жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларидаги тажрибалардан ердан фойдаланишни режалаштириш, фермер хўжаликлари ер майдонларининг максимал ва минимал мақбул ўлчамини белгилаб қўйиш, фермер хўжаликлари билан тузиладиган ер ижараси шартномаси иқтисодий мазмунини танқидий кўриб чиқиш, ерни мулк сифатида тақсимлашда давлатнинг аралашуви ҳуқуқи, ерни олди-сотди қилишдаги чекловлар ўрнатиш тартиби, ижара ҳуқуқининг сотилиши ва гаровга қўйиш ҳамда хусусийлаштириш, шунингдек ерларни қайта тақсимлаш механизмларидан маҳаллий ва миллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш лозимки, хорижий фуқаролар, жисмоний ва юридик шахсларнинг

Ўзбекистонда ерлардан, хусусан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиши фақат ижара ҳуқуқи шартлари асосида амалга оширилиши лозим. Лекин уларнинг инвестициявий, инновацион, илмий-технологик дастурларини рағбатлантириш мақсадида ер ижараси юзасидан имтиёз ва енгилликлар бериш амалиётидан фойдаланиш муҳимдир.

3. Қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бонитет балли 60 дан юқори бўлган ерларнинг майдони 10,4 %га қисқариб кетган бўлса, ер сифати бўйича ўртача ва ўртадан паст майдонлар 14,0 %га кўпайган. Ҳозирги кунда республика қишлоқ хўжалигида 0,02 % ёмон ерлар, 17,9 % ўртачадан паст ерлар, 53,0 % ўртача, 27,0 % яхши ерлар ва 2,0 % гина энг яхши ерлар мавжуд. Ерларнинг ўртача балл бонитети 55 бўлиб, бундан Қорақалпоғистон Республикаси (41,3 балл), Бухоро (51 балл), Жиззах (51 балл), Қашқадарё (52,5 балл), Навоий (53 балл), Сирдарё (53 балл) ва Хоразм (54 балл) вилоятлари кўрсаткичлари пастдир.

Шу нуқтаи назардан, шўрланиш, чўлланиш, яйловлар ва пичанзорларнинг геоботаник ҳолатининг ёмонлашуви, шамол ва сув эрозиясига учраган, ташлаб кетилган ва бошқа рекультивацияга муҳтож ерларнинг кўпайиши каби салбий ҳолатларнинг мавжудлиги бу борада алоҳида тадқиқотларни олиб боришни талаб қилмоқда. Бунда эса, бизнингча, халқаро ва хорижий молия-техник кўмак кўрсатувчи, шунингдек донор ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш билан бирга Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳа ва дастурлар қаторига ушбу салбий ҳолатларни ҳам киритиш ҳамда мазкур маблағлардан уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини жорий қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

4. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларини бошқариш ва улардан фойдаланиш тизимини шакллантириш ва бу борада ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, уларда бозор конъюктураси талабига мос қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш буюртмаларини самарали жойлаштириш, моддий-техника, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишни замонавий ишлаб чиқариш технологиялари асосида ташкил қилиш ва пировардида бу борадаги инновацион ғоя ва ташаббусларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари билан кўриб чиқиш, ердан фойдаланишнинг янги тизими сифатида фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари иштирокидаги агрокластерларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари ер ижараси муносабатларининг, айниқса унинг иқтисодий мазмунининг эскичалигича қолиб кетаётганлиги учун фермер хўжаликларида иккиламчи ижара шаклида, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда ушбу ерларни вақтинча фойдаланиш учун бериш шаклини амалиётини

